



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 222 (13.819)

Баҳоси эркин нарҳда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### КРЕДИТОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ КУЧАЙТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда бозор ислохотларини изчил чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Иқтисодий тараққиётнинг бугунги босқичи тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларига, инвестицияларни жалб этишга ва илгор бизнес лойиҳаларни молиялаштиришнинг янги механизмларига бўлган кучли эҳтиёжини юзага келтирмоқда.

Шу билан бирга, гаров билан таъминланган кредиторлар талабларини кредит маблағлари қайтарилишининг кафолати ҳисобланган гаровдаги мол-мулк қийматидан қондириш тизимининг самарасизлиги қўшимча маблағ жалб этиш имкониятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қонунчиликда белгиланган имконият бўлишига қарамай, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан автотранспорт воситаларидан бошқа кўчар мол-мулкни гаров сифатида қабул қилиш, шунингдек, гаров предмети қиймати кредит миқдоридан анча кўп бўлса ҳам, навбатдаги гаровни қабул қилиш амалиёти қўлланилмапти.

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишнинг рағбатлантириш, инвесторларнинг мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва юретишга бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Марказий банкнинг 2019 йил 1 январдан қуйидаги тартибни ўрнатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

гаров билан таъминланган кредиторлар талабларини гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан қондириш қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда гаров реестрига қарздорнинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ёзув киритилган санага кўра календарь кетма-кетлигида амалга оширилади. Бунда, ушбу тартиб қарздорнинг ҳисобварағидаги пул маблағлари унга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатига татбиқ этилмайди;

гаров реестрига қарздорнинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ёзув киритган кредитор-гаровга олувчилар ўз талабларини қондиришда гаров реестрига тегишли ёзувни киритмаган кредитор-гаровга олувчиларга нисбатан устувор ҳуқуққа эга бўлади;

мол-мулкни харид қилишни уни таъминот сифатида қўйиш эвазига молиялаштирган кредитор гаров реестрига тегишли ёзувни киритган тақдирда, ушбу мол-мулк ҳисобидан ўз талабларини қондиришда устувор ҳуқуққа эга бўлади;

навбатдаги гаровга қўйишга гаров реестрига тегишли ёзувни киритиш шarti билан аввалги гаровга олувчининг розилигисиз рухсат этилади;

гаровга қўйувчи томонидан гаров предмети ижарага беришга гаров реестрига тегишли ёзувни киритиш ва бу ҳақда гаровга олувчини хабардор этиш шarti билан гаровга олувчининг розилигисиз рухсат этилади.

(Давоми 2-бетда)

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН 10 МИЛЛИОН ЕВРО

Европа Иттифоқи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадлари учун 10 миллион доллар миқдорига бегараз грант маблағи ажратди. Бу ҳақдаги битим Брюссель шаҳрида бўлиб ўтган "Ўзбекистон - Европа Иттифоқи" Ҳамкорлик кенгашининг 14-йўналишида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг биринчи ўринбосари Нодиржон Жўраев ва Марказий Осиё ва ЕИ ҳамкорлигини ривожлантириш Департаменти директори Пьер Амилхат ўртасида имзоланган эди.

Адлия вазирлиги маълумотларига кўра, имзоланган грант битими беш йилга мўлжалланган бўлиб, Ўзбекистонда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини яхшилашга қаратилган қатор тадбирларни молиялаштиришни кўзда тутди. Хусусан, лойиҳада вазирлик ҳузуридаги Давлат хизматлари агентли-



## ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуида "UZAGROEXPO - 2018" қишлоқ хўжалиги ва "UZPRODEXPO - 2018" озиқ-овқат саноати XIV халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди.

Нуфузли кўргазма Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, "Ўзбекизоққовқатхолдинг" холдинг компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Президентимиз раҳбарлигида қишлоқ хўжалигининг изчил ислох этилаётгани, фермерлик ва агробизнес ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани самарасида мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти юксалмоқда. Агар соҳага жорий этилаётган янги технологиялар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти ҳажмини ошириш имкониятларини тобора кенгайтирмоқда.

Кўргазмада дунёнинг 20 мамлакатидан 170 дан ортиқ компаниялар, фермер хўжалиги, агрофирма, асаларичилик ва гулчилик соҳаси вакиллари, шунингдек, халқаро ҳамкорлар иштирок этди.

Экспозицияда деҳқончилик, чорвачилик, ветеринария, замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмлари, асбоб-ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва уларни қайта ишловчи, совитувчи ҳамда қадоқловчи ускуналар, мева-сабзавотларнинг турли навлари, полиз экинлари, замонавий иссиқхоналар, органик ва минерал ўғитлар, узумчилик ва асаларичилик маҳсулотлари намойиш этилди.

Компаниямиз иссиқхоналар қуриш, иссиқхона жихозлари ва интенсив боғ ускуналарини, Ўзбекистон шароитига ҳар томонлама қулай картошка уруғини етказиб бериш билан шугулланади, - дейди Франциянинг "RANSIF GROUP" ташкилотининг мамлакатимиздаги таъсисчиси Аҳмад Раҳмонов. - Ўтган йили корхонамиз томонидан фермер ва деҳқонларимизга 450 тонна сифатли картошка уруғи етказиб берган бўлсак, жорий йилда бу икки баравар, яъни 1000 тоннага етди. Бу миқдорни келажакда янада кенгайтирмоқчимиз.

Корхонамизда 150 турдаги ширинлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, - дейди ЎзА муҳбирига Озарбойжоннинг "Can" корхонаси директори Ясар Кан. - Кўргазмада эса 50 га яқин маҳсулотлар билан иштирок этдик. Россия, Грузия, Ироқ, Сурия каби давлатларга доимий экспорт қилиб келамиз. Ўзбекистонга ҳам маҳсулотларимизни етказиб беришни мақсад қилдик. Бунинг учун иштирокчилар эътиборига 6 турдаги маҳсулотимизни тақдим этдик.

Кўргазмада миллий ва халқаро ташкилотлар вакиллари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш борасида тақдимотлар ўтказди.

Даврон СУННАТОВ

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Тожикистон мустақил касаба уюшмалари федерацияси делегацияси вакиллари мамлакатимизда бўлди.

Ўзбек ва тожик халқлари азалдан яхши қўшни, яқин дўст, урфодат ва анъаналари ўхшашдир. Бу яқинлик бугун давлатларимиз ўртасидаги муносабатларда ҳам ўз ифодасини топомқда. Икки давлат Президентларининг узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли кейинги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида барча соҳаларда яқин ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда.

Хусусан, жорий йил август ойида Тожикистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида турли соҳаларда самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга оид муҳим ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ва Тожикистон мустақил касаба уюшмалари федерацияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик битими шулар жумласидандир.

Мазкур ҳамкорлик битимига мувофиқ, жорий йил 20 ноябрь кунин Тожикистон мустақил касаба уюшмалари федерациясининг кенгайтирилган таркибдаги делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрди. Дастлаб меҳмонлар Тошкент вилояти Бекобод туманидаги "Ойбек" чегара постида тантанали кутиб олинди, "Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖга ташриф буюрди. Бу ерда ишлаб чиқариш жараёни, ходимлар учун яратилган шароит, жамоа шартномасига мувофиқ меҳнатқашар

учун яратиб берилган имтиёз ва кафолатлар билан танишди.

Шундан сўнг "Ўзбекистон ва Тожикистон касаба уюшмалари ўртасида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, маданий ва оммавий ишлар, соғломлаштириш ва дам олишни ташкил қилиш, ташкилотларнинг ташкилий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш масалаларида тажриба алмашиш" мавзусида семинар ўтказилди. Унда Халқаро меҳнат ташкилоти меҳнатқашлар фаолияти бўйича бюросининг (ACTRAV) Европа ва Марказий Осиё сектори мудирини Сергейос Гловацкас ҳам иштирок этди.

(Давоми 2-бетда)

Бундан ташқари, давлат томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва тежорлигини яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун тажриба ҳудудлари сифатида Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари танлаб олинди. Ушбу вилоятларда инновацион ғоя ва ишланмалар марказлари ташкил этилади.

Грант доирасида давлат хизматлари ихтисослашган веб-портали ва мутасадди ташкилотлар ҳамда давлат хизматлари марказлари ўртасида ахборот алмашинувининг интеграциялаштирилган маълумотлар базасини яратиш режалаштирилган.

Шунингдек, битим блокчейн-технологиялар, давлат хизматлари кўрсатиш марказлари ходимлари фаолияти самарадорлигини режалаштириш ва баҳолашнинг замонавий усулларини татбиқ этиш бўйича тадбирларни молиялаштиришни кўзда тутди.

Роман БОНДАРЧУК, ЎзА муҳбири

XXI саҳоси аср Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми бўлиб ўтди. Иштирокчилар "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мероси - универсаллик ва инсон ҳуқуқлари", "Инсон ҳуқуқлари - Барқарор ривожланиш мақсади", "Инсон ҳуқуқлари таъминлаш асоси сифатида", "Инсон ҳуқуқлари соҳаси таълими: инновациялар ва янги даъватлар" сессияларида ўзаро фикр алмашди.

"Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси ва Навоий шаҳрининг 60 йиллик юбилейи муносабати билан Навоий давлат кончилик институтида "Кон-металлургия мажмуасини инновацион ривожлантириш истиқболлари" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда юртимиз олимлари билан бирга, Россия, Германия, Канада, Украина, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган кон-металлургия соҳасининг етуқ мутахассислари иштирок этди.

Жиззах политехника институтида Зулфия номдаги Давлат мукофотига номзодлар танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг саралаш босқичларида вилоятдан мингдан зиёд зукко, иқтидорли қизлар қатнашди. Вилоят босқичида эса адабият, санъат, фан, таълим, маданият, спорт ва жамоатчилик фаолияти йўналиши бўйича 115 нафар ёш истеъдод соҳибаси ўз имкониятини синовдан ўтказди.

## ЖАҲОНДА

Ироқ шимолида рўй берган кучли сув тошқинлари натижасида 7 киши ҳалок бўлди. Тинимсиз ёмғир ёғиши боис юзага келган тошқинлар оқибатида уй-жойини тўлиқ сув босган 3 мингдан ортиқ одам бошпанасиз қолди.

АҚШнинг Флорида шаҳрида қумдан ясалган ҳайкалларнинг халқаро танлови бўлиб ўтди. Танлов иштирокчиларига замонавий техник ва электрон воситалардан фойдаланиш таққиланган бўлиб, фақат сув, белкуркак ва пичоқ ишлатишларига рухсат берилди. Ҳайкалтарошлар қумдан ўзларининг бетакрор асарларини яратишлари учун ўртача тўрт кундан вақт сарфлашди. Танлов якунига кўра, Канада ва АҚШлик иштирокчиларга бош мукофотлар насиб этди.

Focus2move таҳлилий агентлигининг маълумотларига кўра, дунёда энг талаб юқори автомобиль барча модификациядаги Toyota Corolla экан. Зеро, жорий йилнинг ўтган етти ойи ичида Toyota компанияси Corolla моделидаги машиналардан 816748 дона сотди. Бу борада 2-ўринни 722566 машина сотган Ford F-Series эгаллади. 3-ўрин эса Volkswagen Golfra (572772 та машина) насиб қилган. Кейинги ўринларни Honda Civic (563333) ва Toyota RAV4 (561601) эгаллаган. Шунингдек, энг талабгир машиналар ўнталигига Volkswagen Tiguan (539463), Volkswagen Polo (499462), Honda CR-V (460904), Toyota Camry (454094) ва Chevrolet Silverado (430708) киритилган.

Испаниянинг Барселона шаҳри атрофида ҳаракатланаётган йўловчи поезднинг издан чиқиб кетиши натижасида битта одам ҳалок бўлди, 44 киши турли даражадаги тан жароҳатлари олди. Поезд ҳалокатига кейинги кунларда ушбу ҳудудда тинимсиз ёмғир ёғаётганлиги туфайли ер кўчиши сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КРЕДИТОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ КУЧАЙТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Куйидагилар: шартномада ўзгача қоида белгиланган бўлма- са, қарздорнинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун тақдим этилган мол-мулкдан фойдаланиш ёки уни сотишдан олинган ҳосил ва даромадларга (тушумга) кредиторнинг устувор ҳуқуқи; лизинг, бўлиб-бўлиб тўлашни назарда тутувчи олди-сотди, ижара ёки бошқа битимлар объекти бўлган ҳамда ушбу битимларда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун қўйилган мол-мулкка (мулк ҳуқуқига) гаров учун белгиланган ундирув қаратиш тартиби; ёзма битим мавжуд бўлган тақдирда, гаров предмети ёки кредиторнинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш предмети сифатида қўйилган кўчар мол-мулкка ундирувни қаратишга суд буйруғи институти татбиқ этилсин.



ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА



(Давоми. Боши 1-бетда)

Ташрифнинг иккинчи куни меҳмонлар Бухоро шаҳрига ташриф буюриб, мулоқотларда меҳнат жамоалари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, маданий-оммавий ишлар, соғломлаштириш ва дам олишни ташкиллаштириш ҳамда бошқа масалалар борасида таҳриба алмашди. Шунингдек, пилла хомашёсини чуқур қайта ишлашга иختисослашган "Бухоро бриллиант сик" Ўзбекистон - Хитой қўшма корхонаси фаолияти ва бу ердаги меҳнат шaroити билан танишди. Бухоро шаҳрининг тарихий-меъморий ёдгорликлари ва диққатга сазовор жойларини томоша қилди. Делегация ташрифининг учинчи куни Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациясида Тожикистон мустақил қасаба уюшмалари федерацияси раиси Қосим Қодирӣ раҳбарлигидаги делегация вакиллари билан ўзaro мулоқотда мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама ҳамкорликнинг янги ўқлари очилиб, дўстлик муносабатларида янги давр бошлангани таъкидланди. Эришилган бундай улкан ижобий ўзгаришлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаётгани, йиллар давомида қариндош-уруғ, дўстлари ва яқинлари билан дийдор қўришиш имконини баёбахра бўлган одамларнинг кайфияти ҳам ўзгаришга, бу ўзарo муносабатларда энг катта ютуқ экани қайд этилди. Шундан сўнг меҳмонлар Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси фаолияти билан танишди. Зикр этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси, Қасаба уюшмалари федерацияси, Савдо-саноат палатаси ўртасида 2017-2019 йиллар учун тузилган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув асосида Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида 14 та худудий келишув, республика миқёсида 100 га яқин тармоқ келишуви, бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда эса 171 миңдан ортиқ жамоа шартномаси амал қилмоқда. Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ходимлар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари ҳал этилмоқда. Шу куни меҳмонлар Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

Авазбек Худойқулов, Ўза муҳбири

ладан, гаров шартномаси мажбуриятлар бажарилишининг мулккий таъминоти предметини батафсил баён қилмасдан, уни умумий тавсифлаш орқали, жумладан, алоҳида тоифа бўйича тўзилиши мумкин; гаровга олувчилар ва бошқа кредиторларнинг талаб қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун гаровга қўйилган ҳамда уларнинг талаблари бўйича ундирув қаратилган мол-мулк кредитга, бўлиб-бўлиб тўлашга, лизингга ёки қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа битимлар орқали реализация қилиниши, ижарага берилиши мумкин, суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулкни мажбурий реализация қилиш ҳоллари бундан мустасно. 4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни қоплаш бўйича талаблар тўғрисидаги ёзувлар гаров реестрига ўз вақтида киритилишини таъминласин. 5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ой мuddатда юридик ва jisмоний шахслардан гаров реестрига ёзув киритиш учун, шунингдек, гаров реестридан кўчирма бериш учун ундириладиган тўловлар миқдорини камида икки баробар камайтиришни назарда тутадиган қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазиrлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси бир ой мuddатда мазкур қарорнинг норма ва талабларини амалга оширишни назарда тутадиган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин. 7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Адлия вазиrлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритишни ташкил этсин. 8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомидинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2018 йил 23 ноябрь

8 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Халқимизнинг жамиятни янгилаш, модернизация қилиш, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш даврида эришган барча ютуқлари Конституциямизда белгилаб қўйилган қатор ҳуқуқий асосларга боғлиқлиги, ўз навбатида ҳар бир фуқарога келажакка умид билан қараш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти томон босиб ўтаётган йўлимизга тўла ишонч ҳиссини шакллантиради.

Бу йил бош Қомусимиз 25-Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига 25 йил тўлади. Утган давр мобайнида Конституциямиз ўз тарихининг кўп асрлик ананалари ва жаҳон конституциявий таърибасининг энг илғор жиҳатларини, энг мақбул принципларини ўзидa мукаммалаштирилганлигини амалда тўла намойиш этди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямизнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида таъкидлаганларидек: "Бугун Конституциямизнинг 25 йиллик байрамини нишонлар эканмиз, Асосий Қонунимизни яратишда унутилмас хизмат қилган инсонлар номини чуқур ҳурмат билан тилга оламиз". Агар мустақилликдан то ҳозирги кунга қадар амалга оширилган ислохотлар натижаларига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, барча эришилган ютуқларимиз бевосита Конституция билан боғлиқдир. Инсон, жамият ва давлат манфаатларининг уйғунлиги бевосита тегишли нормаларда ўзининг ҳуқуқий ифодасини тоналаниши ҳам айнан Асосий Қомусимизнинг халқчилигиндан дарак беради. Дарҳақиқат, инсон манфаатларининг энг юқори даражага кўтариллиши Конституциямизнинг ўрни беихош юқоридир. Демократик давлатларда ҳар бир шахс ёки фуқаро ўз ҳаёти ва ўзини тегишли ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши Конституциясиз тасаввур қила олмайдди. Чунки, бундай жамиятда ҳар бир шахс Асосий Қонунда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларга мунтазам равишда бевосита муносабат қилади ҳамда ушбу Асосий Қонунга ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб беришчи олий юридик ҳужжат сифатида қарайдди. Шунинг учун ҳам демократик жамиятда яшаётган ҳар бир шахс Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаши ҳамда ҳаётда урғун тўрадаги муаммоларининг ечимини айнан Конституциядан топиши ва унга таяниши табиий ҳолдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг инсон ҳуқуқлари масаласига энг олий қадрият нуқтаи назардан ёндошиб ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширилаётганлиги ҳамда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор вазифаси сифатида қаралаётганлиги ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг ҳам асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий ҳимоя қилишдан иборатдир. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, инсон ҳуқуқлари масаласига жиҳдий эътибор қаратилмоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қонунчилигимиз мазмун-моҳиятида ўзининг ёрқин ифодасини тоналаниши. Мамлакатимизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб фуқаролар жинси, ирки, миллати, тили, дини, иқтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва иқтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзарo боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб ўз ифодасини тоналаниши. Ёнибарин, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш муҳим ўрни тўтиши билан белгиланади. Чунки, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини кафолатлаштириш ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгилари биландир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямизнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида таъкидлаганларидек: "Утган даврда ижро этишни ҳокимиятини демократлаштириш ишлари ҳам изчил олиб борилди. Ҳукуматнинг вазифа ва вазоклатлар доираси кенгайтирилиб, парламент олдида ҳисоб бериш даражаси ва масъулияти кучайтирилди. Бу Конституциянинг 7-моддасида мустаҳкамланган "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" деган улғурғон фойининг амалий ифодаси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади". Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари оид умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга ва миллий қадриятларга асосланб миллий ҳуқуқий тизим ривожланаётганлиги мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари содиқлигининг ёрқин намунаси. Мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни миллий қонунчиликка имплементация қилинаётганлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Энг муҳими, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги республикада амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин исботидир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилишга доир халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, БМТ томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Инсон ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилиш масалаларини ҳал қилишда давлатлар ушбу ҳужжатда эълон қилинган ҳуқуқий меъёрларга амал қилиши, унинг


асосида ишлаб чиқилаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг самарали ва адолатли бўлишида муҳим ўрин тутайди. Шунингдек, таъкидлаб айтиш лозимки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий принциплари, қондалари ҳамда мазмун ва моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа миллий қонун ҳужжатларида ўзининг чуқур ифодасини тоналанишини аниқлаш мумкин. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида ҳам "Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир" деб белгиланган қоида ва тамойилларини Ўзбекистон амалда рўйбга чиқариш ва таъминлаш мақсадида суд-ҳуқуқ ислохотларини жадал амалга оширмоқда. Конституциянинг 24-моддасига кўра "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир" деб мустаҳкамланган ҳуқуқий нормани амалда таъминлаш мақсадида 2008 йил 1 январдан жинсий ҳаёт тизимини ўлим жазосининг чиқариб ташлаши инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига ҳамда Конституциямизга тўла мос келайди. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг бекор қилиниши юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислохотларининг навбатдаги босқичи ҳамда мантқий давоми эканлигини қайд этиш лозимдир. Шунингдек, мамлакатимизда ўлим жазосини бекор қилиш масаласининг ижобий ҳал қилиниши демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қураётган Ўзбекистон Республикасининг нафақат минтақада балки, халқаро ҳамжамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиниши ҳамда уни реал ҳаётда амалга оширишга ҳуқуқий шарт-шaroитлар яратиш борасида обрўси ва нуфузининг ошишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди, унинг 44-моддасига кўра: "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади" деб мустаҳкамлаб қўйилган. Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, суд тизимини демократлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқларини самарали таъминлаш, суд ҳокимияти соҳиб бўлган судьялар мустақиллигини таъминлаш ва адвокатуранинг ролини ошириш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялаш жараёнини жадаллаштиришга қаратилгандир. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишининг Конституциявий кафолатлари жамиятни янгилаш ва мамлакатни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштириш ва тақомиллаштириш ишларининг муҳим асоси бўлиб хизмат қилади. Х.АЗИМОВ, тарих фанлари номзоди, доцент

**Хабарлар**  
**ПОЙТАХТИМИЗДА ЗАМОНАВИЙ СПОРТ БАЗАСИ ҚУРИЛМОҚДА**  
*Тошкентда яна бир замонавий спорт иншооти бунёд этилади. Айни пайтда Республика иختисослаштирилган олимпия захиралари мактаб интернатида жаҳон стандартларига жавоб берадиган камондан отиш базасининг қурилиш ишлари олиб боришмоқда.*  
Куни кеча Миллий олимпия қўмитаси Бош котиби Жасур Матчанов мазкур базанинг қурилиш жараёнини кўздан кечириди. Ушбу спорт иншооти қуриб битказилганидан сўнг, бу ерда халқаро спорт мусобақалари, ўқув-машгулот йиғинларини ҳам ўтказиш мумкин бўлади. Базада спортчи ва мураббийлар учун барча шaroитлар яратилди. Камондан отиш федерацияси ҳам ана шу ерда жойлашади.  
Иншоотнинг шу йил охиригача фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

**ЖАНУБИЙ КОРЕЯ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНГАН МТМ ОЧИЛДИ**  
*Жорий йилда Жанубий Корейнинг Сожон университети (Seojeong University) ва New Millenium Construction компанияси томонидан реконструкция қилинган Мирзо Улуғбек туманидаги 324-давлат мактабгача таълим муассасаси очилди.*  
— Болалар боғчаси худуди ва биноси узоқ йиллар давомида ташландиқ ҳолатда фойдаланилмастан ётди. Эндиликда эса МТМ тўлиқ реконструкция қилиниб, у ерда янги таълимий муҳит яратилди, дея таъкидлади МТМ мудираси Гулноза Омонова.  
Муассасадан янгидан қурилган туташ бинога ошхона, емакхона ҳамда фаоллар, ўйин ёки спорт мақсадлари сифатида фойдаланишга мўлжалланган зал ўрин олди.  
МТМ мебеллар, спорт ва ўйин ускуналари, ўқув-методик материаллар, ўйинлар ва ўйинчоқлар, хатто болалар тиш четқаллари учун стерилизаторлар билан жиҳозланди. Буларнинг барчаси ҳоимлар томонидан Жанубий Корейдан сотиб олинди, олиб келинди.  
Моддий-техник база қўшимча таълимий хизматлар (ижодий тўғараклардаги машгулотлар ва бошқалар) ҳисобидан янгиланди.  
Болалар боғчасида мусика билан шуғулланиш учун алоҳида зал ташкил этилган бўлиб, бу ерда барабанлар, электрон пианино, мусикий ўйинчоқлар ва таълимий материаллар мавжуд. Санъат ҳолисида эса болалар расм чизиш билан шуғулланиши ёки бошқа ижодий қобилиятларини ривожлантиришлари мумкин.  
Етоҳона энгил ёгон қаровотлар билан таъминланган. МТМда, қоидага кўра, уклашни хоҳламаган болалар ётишга мажбур қилинмайди.  
Ошхонада болалар махсус хавфсиз плиталарда овқат тайёрлашни машқ қилишлари мумкин.  
Ховлида эса кичик футбол майдони, йўлаклар, болалар майдончалари, шийпончалар бунёд этилган.  
МТМга йил сўнига қадар 100 нафар тарбияланувчи — мактабгача таълим тизими ходимлари ҳамда Ҳабиб Абдуллаев номли маҳаллада яшовчи оилалар фарзандларининг қабул қилинади.  
Унда тўртта гуруҳнинг (3-4, 4-5, 5-6 ва 6-7-ёшдаги болалар) ҳар бирида 25 нафардан бола таълим олади.  
324-МТМ педагогларни ўқитиш ва таҳриба алмашиш учун майдонча вазифасини ҳам бажаради. Бу ерда Тошкентта 2019 йилда филиали очилиши режалаштирилган Сожон университети талабалари ва ўқитувчилари учун амалий машгулотлар ўтказилади.  
Ўзбекистоннинг бошқа худудларини ҳам мактабгача таълим тизими педагоглари МТМга ташриф буюриб, ундаги таълим муҳити ва жараён билан танишишлари мумкин бўлади.

**ТЕХНИК ВОСИТАЛАР ЭГАЛЛАЙДИ**  
*Метрополитенга киришдаги ички ишлар органлари ходимлари ўрнини босқичма-босқич техник ҳимоя воситалари эгаллайди. Пойтахт метросининг учта бекатида ушбу янги тизимни жорий этиш бўйича синов бошланди.*  
— Метрога ташқи киришдаги назорат босқичма-босқич автоматлаштирилади, — дейди Тошкент метрополитени учун ишлар бошқармаси бошлиги полковник Олег Биченов. — Ҳозирда синов тарихисида ички ишлар органлари ходимлари ўрнига техник ҳимоя воситалари — кузатув камералари, радиоалоқа воситалари ва сигнализациядан фойдаланилмайди.  
Айни пайтда "Ўзбекистон", "Миллий бог" ва "Машина-созлар" станцияларида тест режимида техникалар ишланамоқда.  
"Техник воситалар ва алоқа воситалари етарлича бўлганида ташқи ва ички текширув тақорланмаслиги учун ташқи назорат тўлиқ техник ҳимоя воситаларига ўтказилади", — деди бошқарма бошлиги.  
Олег Биченовнинг сўзларига кўра, асосий назорат куйи даражада олиб борилади ва вақт ўтгани сари техник воситалар кучайтирилади.  
Ички ишлар органлари ходимлари ўрнини техник воситаларга тўлиқ алмаштиришнинг аниқ мuddатлари номаълум. Тошкент метрополитенида ички ишлар бошқармаси бошқармачининг таъкидлашича, мазкур жараён босқичма-босқич амалга оширилади.  
Тўрли манбалар асосида тайёрланди





РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Марказий авария-диспетчерлик хизматининг дайди ҳайвонларни тутиш махсус бўлини маси томонидан шаҳар ҳудудидан дайди ҳайвонларни тутиш ишлари амалга оширилади.**

Шаҳримизнинг кўча ва хиё-бонларида дайди ҳайвонлар-ни учратганингизда тегишли чоралар кўриш учун дайди ҳайвонларни тутиш махсус бўлини масининг куйидаги теле-фонлари орқали маълумот бе-ришингизни сўраймиз.

Тел: 71 247-72-27, 71 227-48-01, 71 227-48-05.

**Футбол янгиликлари**

**АГМКНИНГ ОЧЛ САРАЛАШИДАГИ РАҚИБИ МАЪЛУМ**

**ОФК томонидан ОЧЛ турнирининг 2019-2020 йиллар мавсуми учун Ўзбекистонга "1+2" кўренишида квота ажратилганлигидан мухлислар хабардор албатта.**

Демак, келаси йили Суперлига голиби ОЧЛ гуруҳ босқичида иштирок этади, Ўзбекистон кубогига эга чиққан жамоа ҳамда миллий чемпионатнинг кумуш медалларига эга чиққан клуб ОЧЛ саралаш босқичида омадини синаб кўради. Ўзбекистон кубоги соҳиби бўлган Олмаликнинг АГМК жамоаси ОЧЛ йўлланмасини нақд қилиб

улгурган. Энди олмаликлик чарм тўп усталари келгуси йилнинг 12 февралда ўз майдонларида Тожикистоннинг "Истиклол" клубига қарши ОЧЛ саралаш турнирида куч синашишади. АГМК агар ушбу ўйинда зафар кучса, кейинги босқичда сафарда Саудия Арабистонининг "Ал-Наср" клубига қарши майдонга тушади.

Хали Суперлигада мамлакат чемпионати давом этмокда. Ўзбекистон чемпионлиги ва кумуш медаллар қайси жамоага насиб этади? Буни кейинги 31-турдаёқ билиб олишимиз мумкин. Аммо, шунга таъкидлаш жоизки, ОЧЛда қатнашадиган жамоаларимиз ушбу нуфузли турнирда муваффақият қозониш учун тай-ёрми? Буни вақт кўрсатади.

**ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛ БОЛАЛАР ФУТБОЛИДАН БОШЛАНАДИ**

**Жорий йилда пойтахтимизнинг Яшнобод тумани ҳокимлиги ташаббуси билан "Яшнобод" профессионал футбол клуби ташкил этилган эди. Айни пайтда ушбу жамоа Тошкент шаҳар чемпионатида муваффақиятли қатнашиб келмокда.**

– Ҳудудимизда 57 маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд, – дейди Яшнобод тумани ҳокими вазифасини бажарувчи Ҳожиакбар Тиллашайхов. – Туман аҳолисининг катта қисми вояга етмаган болалар ва ўсмирлардир. Мақсадимиз ана шу фарзандларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни миллионлар йўлини – футболга жалб этиш ва шу орқали янги истеъодларни кашф қилишдан иборат. Яхши ният билан туманимизда "Яшнобод" профессионал футбол клубига асос солинди. Ҳозирда уларнинг эришаётган натижалари ёмон эмас. Айни шу клуб қошида ташкил этилган болалар футбол секцияларида юзлаб ёшлар маҳоратини оширишмокда. Мухими, улар соғлом ва баркамол вояга етиб, жамиятимизга нафи тегадиган инсон бўлса, бас.

Шаҳар ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб келаётган "Яшнобод" болалар футбол жамоаси жорий йил 23 ноябрь 2 декабрь кунлари Малайзияда бўладиган болалар ўртасидаги халқаро турнирда қатнашиш учун таклифнома олди. Туман ҳокимлиги болалар футбол жамоасини қўллаб-қувватлаб, уларнинг 20 дан ортик давлатдан ёш футболчилар қатнашадиган халқаро турнирда иштирокини таъминлади.

Ислол Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида 14-15 ёшли футболчилардан иборат "Яшнобод" футбол жамоаси халқаро турнирда иштирок этиш учун Куала-Лумпурга кузатилди. Шу муносабат билан ўтказилган маросимда туман фаоллари, ота-оналар жамоа аъзоларига омад ва оқ йўл тилади.

**Абдулазиз МУСАЕВ, ЎЗА мухбири**

**"БУНЁДКОР" ОЛТИ ОЧКОДАН МАҲРУМ БЎЛДИ**

**Мамлакатимизнинг етакчи клубларидан бири "Бунёдкор" дан олти очко олиб ташлангани маълум қилинди.**

Гап шундаки, "Бунёдкор" украинлик легионер Сергей Симоненко олдиндаги қарларини шу вақтга қадар қилмаган. Кейинчалик украинлик легионернинг биринчи даврасида "қалдирғоч"лар сафида ўйнаган. Таъкидлашнича, клуб у билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилмаган. Украинлик легионернинг футболчи ФИФАга шикоят хати ёзган. Қизиғи, "Бунёдкор" икки марта – 2016 ва 2017 йилларда

Ўзбекистон банки орқали Симоненко номига очилган пластик картчога маълум миқдорда пул туширган. Бироқ маблаг футболчига етиб бормаган. Энди ФИФА томонидан олиб ташланган олти очко туфайли "Бунёдкор" совринли ўринлар учун курашишдан ҳам маҳрум бўладими ёки имконият сақла-ниб қоладими, ҳарқалай, буни вақт кўрсатади.

**Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**

**"Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижтимоий соҳасини муваффақиятли бажарилиши борасида аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож яқка-ёлғиз кексалар, ногиронлар, сурункали касаллар, кўп болали кам таъминланган оилаларга, турли табиий ва техноген офатларда жабрланганларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш мақсадида шаҳар ҳокимининг 2018 йил 2 ноябрдаги 232-ф сонли фармойишига мувофиқ жорий йилнинг 26 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ҳисобига хайрия тўплаш ўн кунлиги ўтказилди.**

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти таркибига 11 та туман бўлимлари, 210 та бошланғич ташкилотлари ва 150 мингдан ортик жамият аъзолари мавжуд. Улар Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари, Давлат дастури, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг қурултоғи қарорлари ҳамда жамият Устави талабларининг, Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари Халқаро Федерациясининг стратегияси 20-20 режасининг Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг 2016-2020 йилларга режалаштирилган стратегик ривожланиш режаси юзасидан белгиланган вазибаларини ижросини таъминлаш йўлида фаолият кўрсатмокда.

Меҳр-шафқат Қизил Ярим Ой жамияти фаолиятининг асосий ва муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу йўналишда юзлаб қария ва ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар ҳамда кам таъминланган оилаларга беминнат ижтимоий ва тиббий ёрдам кўрсатилади.

Жамият туман тиббиёт биришмалари ҳамда маҳалла фуқаролари йиғини билан ҳамкорликда иш юритади. Қизил Ярим Ой жамияти томонидан пойтахтимизда истикомат қилувчи жамият тасарруфига олинган 200 дан ортик ёлғиз қарияларга 11 нафар меҳр-шафқат ҳамширалари мунтазам равишда манзилли ёрдам кўрсатмокдалар. Уларига ташиф буюриб ҳолидан хабар олиб турадилар. 2018 йилнинг 10 ой мобайнида яқка-ёлғизларнинг хонадонига 5570 мартаба борилиб, 3237 мартаба ижтимоий маиший хизмат ва 5671 мартаба тиббий хизматлар кўрсатилди. Тасарруфга олинган қариялар диспансер кўригидан ўтказилди. 28 нафар яқка-ёлғиз ногирон қариялар стацио-нарларда доволанди. Жамият тасарруфига яқка-ёлғиз қарияларга оливалый поликлиника шифокорлари томонидан тавсия этилган дори-дармонлар ҳамшира-лар ёрдамида ўз вақтида етказиб берил-мокда. Ҳисобот вақтида кўрсатилган ёрдамларнинг умумий миқдори 85 млн. 960 миң сўмини ташкил қилди.

Учтепа тумани, Алгоритм 31-мавзеси-да жойлашган "Меҳригё" тиббий ижтимоий марказига 50 нафар имконияти че-кланган болалар тасарруфга олинган. Марказда болаларни ўқишга, хунарга ўргатиш бўйича тўғарақлар ташкил қилинган. Марказ тасарруфига олинган 25 нафар имконияти чекланган болалар ва уларнинг оналари "Jacksoft Medikal

га доир кўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида"ги 650-сонли қарори чиқарилган эди. Ушбу қарорни амалга ошириш ҳамда фавқулодда вазиятлар давлат тизимига кўмаклашиш мақсадида Республика Қизил Ярим Ой жамияти томонидан ма-ҳалла фуқаролар йиғини салоҳиятини мустаҳкамлаш орқали аҳолининг эҳтимо-ли бўлган фавқулодда вазиятлардан ҳимоя-

**ХАЙРИЯ ИШЛАРИДА ФАОЛ ҚАТНАШИНГ**

diagnostos services" хусусий тиббиёт му-ассасаси томонидан тиббий техник во-ситаларидан фойдаланилган ҳолда невролог, эндокринолог, окулист, педи-атр, гастроэнтеролог, ортопед, отолорин-голог, ЭКГ, УЗИ, ЭЭГ, рентген, маммог-рафия каби кўриклардан ўтказилди. Оз бўлсада, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила-ларга кўмаклашиш мақсадида ўтказил-ган ушбу хайрия акциясида иштирок эт-ган оилалар тадбир ташкилотчиларига чўқур миннатдорчилик изҳор қилдилар.

14 ноябрь куни Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ташкил топганига 93 йил тўлди. Шу муносабат билан бошқа тадбирлар қатори Тошкент Давлат сто-мотология институти бошланғич ташки-лоти томонидан талабалар ташаббуси билан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган, боқувчисини йўқотган, ногирон фарзанд-ларини тарбиялаётган оилаларга "Меҳр билан табассум қил!" шiori остида хай-рия акцияси ўтказилди. Хонадонларга ташиф буюриб, озиқ-овқат маҳсулотла-ри, кийим-кечақлар, ювиш воситалари, сангигиеник жамламаларидан тайёрлан-ган пакетлар топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 августдаги "Аҳолининг фавқулодда вазиятларда ҳара-кат қилишига тайёргарлигини ошириш-

ланиш даражасини кучайтириш бораси-даги грант лойиҳасини Олий Махлис ис-тимоий буюртмасини тақдим этиш тан-лови голибини аниқлаш тўғрисидаги 2018 йил 1 июндаги 32-сонли қарор билан "Фавқулодда вазиятлардан самарали ҳимояланиш аҳоли ҳавфсизлиги ва жам-ият барқарор ривожланишининг асоси-ди" мавзусидаги лойиҳа тасдиқланди. Лойиҳа ижроси сифатида Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент шаҳри ва Тош-кент вилояти ташкилоти танлаб олинди.

Тошкент шаҳрининг 11 та туманидан 11 маҳалла ажратиб олинди. Маҳаллалар-да аҳолини фавқулодда вазиятларга тай-ёрлаш, фавқулодда вазиятларда ҳара-кат қилиш, жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича семинарлар ўтказилиб, ажратиб олинган маҳаллаларда марказ-лар ташкил қилиш режалаштирилган, 11 та маҳаллаларнинг барчасида заҳира ту-зиш мақсадида ажратилган маблаг ҳисо-бидан фавқулодда вазиятларда ишлатиш учун зарур бўладиган белкуррак, чўкич, лом, болта, пақир, ўт ўчиргич, фонар, овоз кучайтиргич, замбил, кўрпа, ёстиқлар, ошхона идишлари, ўчоқ-қозонлар, сув идиш каби зарур ашёлар биринчи ёрдам аптекалари ва боғловчи ашёлар жами бўлиб 70 млн. сўмлик зарурий ашёлар,

ажратилди. Фавқулодда вазиятлар аҳолидан му-айян тайёргарлиқни талаб этади. Ўзбе-кистон Қизил Ярим Ой жамияти Тош-кент шаҳар ташкилотининг асосий вази-фаларидан бири фавқулодда вазиятлар-да биринчи ёрдам кўрсатиш асослари-ни аҳолига ўқитиш ва ўргатишдан ибор-атдир. Бу борада халқ ҳўжалиги объек-тларида санитар дружиналари ва санит-тар постлари ташкил қилинган. Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасаларида тузилган санитар дружина ва постлари фавқулод-да вазиятлар бўйича ўтказилган тактик машғулотларда иштирок этиб ўз мала-каларини янада ошириб бораётганлар.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ва туман бўлимларида фавқулодда вазиятлар рўй берганда аҳолига ёрдам кўрсатиш мақ-садида 80 та оилага ёрдам кўрсатишга мўлжалланган заҳира ташкил қилинган. Ҳисобот даврида бахтсиз ҳодиса, ёнғиндан зарар кўрган 12 оилага 9 млн. 500 миң сўмлик ашёвий ва моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳозирги кунда олий ўқув юртларида, коллеж ва академик лицейларда Қизил Ярим Ой жамиятининг бошланғич таш-килотлари тузилган бўлиб, талаба ёшлар ўз ихтиёрлари билан жамият аъзолиги-га қабул қилинмокдалар.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти томонидан ин-сонпарварлик йўлида амалга оширила-ётган ишлар кўп қирралидир. Шу боис бундай хайрия ва савобли ишларга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз мумкин. Муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш миллатимизга хос уду. Мана шу урфга содиқ қолиб, муруватингизни аямайсиз деган умиддамиз.

Яна бир бор эслатиб ўтаимиз, Ўзбеки-стон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотини 2019 йилги фаоли-ятини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг фармойишига биноан жамият ҳисобига хайрия йиғиш ўн кунлиги ўтказилмокда.

Саховатпеша ҳамшаҳарларимизга, корхона, муассаса, қўша корхоналар ва ташкилотларига Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ҳисоб рақамини эслатиб ўтаимиз: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқти-содий фаолият Миллий банки бош амал-иёт бўлими: х/р: 20212000900126451001; МФО: 00407; ИНН: 200896573; ОКЭД: 94990. Маълумот учун телефонлар: 71-248-79-25; 71-248-24-94.

**"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқича-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига "Сарбон-Нефтегаз" АЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Аэро-дром кўчаси, 118-уй манзилида сақланаётган қуйи-даги – 1. "Газ-66" русумли, давлат рақами 01/341SBA, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, бошлан-ғич баҳоси – 21 600 000 сўм. 2. "Газ-66" русумли, давлат рақами 01/315UBA, 1990 йилда ишлаб чи-қарилган, бошланғич баҳоси – 21 550 000 сўм. 3. "Газ-31029" русумли, давлат рақами 01/058SAA, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳо-си – 14 100 000 сўм. 4. "Газ-31512" русумли, дав-лат рақами 01/243 UBA 1994 йилда ишлаб чиқа-рилган, бошланғич баҳоси – 19 200 000 сўм. 5. "Газ-3102" русумли, давлат рақами 01/308 UBA, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳо-си – 16 550 000 сўм. 6. "Газ-3102" русумли, дав-лат рақами 01/662 WBA, 1996 йилда ишлаб чиқа-рилган, бошланғич баҳоси – 16 550 000 сўм. 7. "Газ-31020" русумли, давлат рақами 01/730 WBA 2001 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳо-си – 15 850 000 сўм. 8. "Супер Салон" русумли, давлат рақами 01/766 WBA, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 20 800 000 сўм. 9. "Газ-3110" русумли, давлат рақами 01/799 JBA, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳо-си – 13 100 000 сўм. 10. "Хундай Соната" русум-ли, давлат рақами 01/863 DBA, 1994 йилда иш-лаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 13 300 000 сўм. 11. "Газ-3110" русумли, давлат рақами 01/879 FAA 2000 йилда ишлаб чиқарилган, бошлан-ғич баҳоси – 12 100 000 сўм. 12. "Хундай Соната" русумли, давлат рақами 01/979 UBA, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 17 100 000 сўм бўлган автотранспорт воситалари қўйил-мокда.

**Аукцион савдоси 2018 йил 27 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати: 2018 йил 25 декабрь куни соат 18:00 гача.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 кун ичи-да сотувчи билан олди-сотида шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатал пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳўжжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузи-ладиган закатал келишувиға асосан мулк бошлан-ғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқ-дорда закатал пулини "RMM" МЧЖнинг ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 22604000200571452001. МФО: 01121, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор ту-мани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

**Гувоҳнома №001805**

**"SUPER SYSTEM GROUP" МЧЖ (ИНН 304349487) Устав фонди 5.541.058.000 сўмдан 646.000.000 сўмга камайитрилганлигини маълум қилади. Тел: (97) 713-16-18.**

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

5, кундузи — 8-10 да-  
ража илшқ бўлади.  
Ўзгидрометнинг мо-  
ниторинг хизмати ма-  
лумотига кўра, 27 но-  
ябрда Тошкент шаҳри-  
нише об-ҳаво шароити шаҳар  
ҳаво муҳитида зарарли мод-  
даларнинг бир оз тарқалиб  
кетишига имконият ярат-  
ади, ифлосланиш даражаси  
паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 27 но-  
ябрь куни ҳаво ўзгариб тура-  
ди, вақти-вақти билан ёмғир  
ёғади. Фарбдан секундиға —  
7-12 метр тезликда шамол  
эсади. Ҳарорат кечаси — 3-

**Тошкент Оқшом**

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: (0-371) 233-28-95  
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳриринг компьютер марказида теринди ва саҳифаланди.

МУАССИСА: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Ҳажми — 2босма табоқ, офсет усулида босилади. 4268 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ